

Энг мухим мавзулар ҳақида савол-жавоблар

Абдураҳмон ибн Носир Ас-Саъдий

Ушбу ихчамгина рисола дин
ишлари ва иймон асосларидан
билиш ва ўрганиш ғоят зарур бўлган
энг мухим масалаларни ўз ичига
олган бўлиб, тушуниш ва англатиш,
ўрганиш ва ўргатиш осон ва қулай
бўлишини кўзлаб, уларни савол-
жавоблар тарзида бердим, дейди
муаллиф китоб муқаддимасида.

<https://islamhouse.com/۲۷۸۶۴۹۸>

- Энг муҳим мавзулар
- ҳақида савол-жавоблар
 - исмиллаҳир роҳманир роҳийм
 - Биринчи боб: Иймон асосларидан энг муҳим масалалар
 - Иккинчи боб: Иймондан тўсувчи нарсалар

Энг муҳим мавзулар

ҳақида савол-жавоблар

< Ўзбекча – Uzbek – > اُزبېكى

Шайх Абдурраҳмон ибн Носир
ас-Саъдий

—ТМ

Таржима: И smoил Мухаммад Ёқуб

Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

исмиллаҳир роҳманир роҳийм

Гўзал исмлар ва комил сифатлар
эгаси, мўл-кўл неъматлар инъом
этувчи Зот бўлмиш Аллоҳга ҳамду
санолар бўлсин. Дин, дунё ва охират
яхшиликларини олиб келган
пайғамбаримиз Муҳаммадга
саловоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд...

Ушбу ихчамгина рисола дин
ишлари ва иймон асосларидан
билиш ва ўрганиш фоят зарур бўлган

Энг муҳим масалаларни ўз ичига олган бўлиб, тушуниш ва англатиш, ўрганиш ва ўргатиш осон ва қулай бўлишини кўзлаб, уларни саволжавоблар тарзида бердим.

Биринчи боб: Иймон асосларидан энг муҳим масалалар

1-**савол:** Тавҳид нима ва у неча қисмдан иборат?

Жавоб: Тавҳид, умуман олганда, банда Аллоҳнинг барча комиллик сифатларига ёлғиз Ўзи эга эканини ва буларнинг барисида У шериклизягона эканини билиши, эътироф этиши, бунга эътиқод қилиши ва иймон келтириши, камолда Унинг шериги ва мисли йўқлигига, Унинг

барча халқлари устида улухият ва
убудият эгаси эканига эътиқод
қилиши, сўнг барча ибодатларни
фақат Унга қилишидир.

Тавҳид уч қисмдан иборат бўлиб,
унинг барча қисмлари мазкур
таъриф остига дохилдир.

Биринчиси: Рубубият тавҳиди. У
Роб таолонинг яратиш, ризқ бериш,
бошқариш ва тарбият қилишда
ягона Зот эканини тан олишдир.

Иккинчиси: Исм ва сифатлар
тавҳиди. У Аллоҳ таоло Ўзи учун
исбот қилган ёки Унинг пайғамбари
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва
саллам У учун исбот қилган барча
гўзал исмларни ва улар далолат

қилган сифатларни ташбек ва тамсилсиз, таҳриф ва таътилсиз исботлашдир.

Учинчиси: Ибодат тавҳиди. У ибодатнинг барча тур ва навлари билан Аллоҳни ёлғизлаш, барча турдаги ибодатларни фақат Унга холис қилиш ва ибодатнинг бирон турида бошқа бирорни Унга шерик қилмасликдир.

Ушбулар тавҳиднинг қисмлари бўлиб, банда то уларнинг барчасини лозим тутмагунича ва уларга тўқис амал қилмагунича муваҳҳид (**тавҳид ахлидан**) бўла олмайди.

Ў-савол: Иймон, Ислом ва уларнинг умумий асл-асослари нима?

Жавоб: Иймон — Аллоҳ ва Расули тасдиқлашга буюрган барча нарсаларни қатъий тасдиқлаш (**ишониш**) бўлиб, амал ҳам унинг зимнидадир. Ва бу айни вақтда ягона Аллоҳнинг Ўзигагина таслим бўлиш ва Унинг тоатига бўйин эгиш маъносини англатувчи Исломдир.

Иймон ва Исломнинг асл-асослари эса қуйидаги ояти каримадан ўрин олган:

وَيَعْقُوبَ وَإِسْحَاقَ وَإِسْمَاعِيلَ إِلَى أُنْزِلَ وَمَا إِلَيْنَا أُنْزَلَ وَمَا بِاللهِ أَمْنًا {قُولُوا مِنْهُمْ أَحَدٌ بَيْنَ نُفَرَّقُ لَا رَبِّهِمْ مِنْ النَّبِيِّونَ أُوتَيَ وَمَا وَعِيسَى مُوسَى أُوتَيَ وَمَا وَالْأَسْبَاطُ [البقرة: ۱۳۶] مُسْلِمُونَ} لَهُ وَنَحْنُ

«Эй мўминлар, сизлар ўша яхудий ва насронийларга айтинглар: «Биз ягона барҳақ маъбуд бўлган Аллоҳга иймон келтирдик, бизга

туширилган (Аллоҳ ўз пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилған) Қуръонга, Иброҳимга (туширилган сахифаларга), Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботга (асбот — Бани Исроилнинг ўн икки уруғидан бўлган пайғамбарлар) тушариғлан нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган (Таврот ва Инжилга) ҳамда барча пайғамбарларга Роббиларидан ваҳий қилинган нарсаларга иймон келтирдик, биз иймон келтиришда улардан бирортасини ажратмаймиз ва биз Аллоҳга тоат ва ибодат билан бўйсунувчимиз» (Бакара: ۱۳۶).

Шунингдек, «Жибрийл ҳадиси» деб аталган ҳадисда Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни шундай тушунтирганлар: «Иймон — Аллоҳга, малоикаларига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхши ва ёмонига иймон келтирмоғинг, Ислом эса «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир ва Мұҳаммад Аллоҳнинг элчисидир», деб гувоҳлик беришинг, намозни тўқис адо этишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг ва Байтуллоҳни ҳаж қилишингдир» (Бухорий: ۱/۲۷, Муслим: ۱/۳۶, ۱/۳۹).

Демак, иймонни қалбдаги ишонч-эътиқодларга, Исломни эса зоҳирдаги шаръий амалларни адо этишга тафсир қилдилар.

Ў-савол: Аллоҳнинг исм ва сифатларига иймон келтиришнинг нечта рукни бор?

Жавоб: Учта рукни бор:

- ۱) Гўзал исмларнинг барчасига иймон келтириш;
- ۲) Ўша исмлар далолат қиладиган сифатларга иймон келтириш;
- ۳) Унинг сифатларига доир ҳукмларга ва шунга тааллуқли нарсаларга иймон келтириш.

Масалан, Аллоҳнинг барча нарсани қамраб оловчи комил илм соҳиби бўлган Алийм (**Билгувчи зот**) эканига, барча ишга қодир, буюк қудрат эгаси бўлган Қодийр (**Ўта**

кудратли зот) эканига, истаган кишисини Ўз раҳматига оладиган бепоён раҳмат соҳиби бўлмиш Раҳийм ва Раҳмон зот эканига иймон келтирамиз. Бундан бошқа гўзал исм ва сифатларга ва уларга тааллукли нарсаларга ҳам шундок иймон келтирамиз.

ξ-савол: Аллоҳнинг халқларидан олий-юқоридалиги ва Аршига ўрнашгани масаласида нима дейсиз?

Жавоб: Биз Роббимизни барча маъно ва эътибор билан энг олий Зот деб, Унинг зоти олий, қадри ва сифатлари олий, қаҳри олийдир, деб биламиз. У халқларидан ажралган ва

Ўз аршига юксалгандир, У Ўзини
бизга шундай таништирган.

Истиво (юксалиш, ўрнашиш)
маълум, қандайлиги номаълумдир.
У Ўзининг арш узра юксалган
эканини хабар берган, қандайлиги
ҳақида эса хабар бермаган.

Биз яратувчимиз субҳонахулинг
барча сифатлари ҳақида ҳам шундай
— Унинг ўзи бизга шундай хабар
берган, қандайлиги ҳақида хабар
бермаган, деб айтамиз. Биз У
ўзининг китобида ва
пайғамбарининг тили воситасида
бизга қандай хабар берган бўлса,
шундай иймон келтиришимиз ва
ундан оширмаслигимиз ҳам,

камайтирмаслигимиз ҳам лозим бўлади.

◦-савол: Аллоҳнинг раҳмати, дунё осмонига тушиши ва шу каби масалаларга нима дейсиз?

Жавоб: Аллоҳ таоло Ўзини сифатлаган раҳмат, розилик, тушиш, келиш каби барча сифатларга, шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уни сифатлаган сифатларга иймон келтирамиз ва иқрор бўламиз, бу сифатларда халқлардан бирор кимса Унга ўхшамайди, деб эътиқод қиласиз. Зеро, Унга ўхшаш бирон нарса йўқдир. Аллоҳ таолонинг зотига бошқа бирон зот ўхшамагани каби,

Унинг сифатлари ҳам Унинг ўзига хос бўлиб, бошқаларнинг сифатлари уларга ўхшамайди.

Китоб ва Суннатда ушбу сифатларни исботлаш ва улар билан Аллоҳга ҳамду сано айтиш борасида событ бўлган улкан тафсилотлар ва Уни ўхшаш, teng, баробар ва шерикдан пок санаш борасида умумий кўринишда келган сўзлар бунга ҳужжатдир.

1-савол: Аллоҳнинг каломи ва Куръон ҳақида нима дейсиз?

Жавоб: Айтамизки, Куръон Аллоҳнинг нозил қилинган каломи бўлиб, махлук эмас. Ундан бошланган ва Унинг ўзига қайтади.

Аллоҳ у билан сўзлаган, унинг лафзи ҳам, маънолари ҳам ҳақ. Аллоҳ Ўзи истаган пайтда, истаган нарсасини сўзловчиидир. Унинг каломи битмас ва туганмасдир.

✓-савол: Мутлақ иймон нима, у зиёда бўладими ва камаядими?

Жавоб: Иймон — қалбга оид ақида ва амалларни, бадан аъзолари амалларини ва тилдаги сўзларни ўзида мужассам қилган (умумлаштирган) бир исмдир (сўздир). Диннинг барчаси — усуллари (асл-асослари) ҳам, фуруълари (тармок ва шохобчалари) ҳам иймон ичига дохилдир.

Бундан келиб чиқадики, у
эътиқоднинг кучайиши ва кўпайиши
 билан, яхши сўз ва амалларнинг
 кўпайиши билан зиёда бўлади,
 буларнинг зидди билан камаяди.

Λ-савол: Миллий (**Ислом миллатига
мансуб**) фосиқнинг ҳукми нима?

Жавоб: Ким мўмин мувахҳид бўлса
ва шу билан бирга маъсиятларга
муккасидан кетган бўлса, у ўзида
бўлган иймон билан мўмин, иймон
вожиботларини тарқ қилиши билан
фосиқдир.

Иймони ноқис киши иймони
туфайли ваъдага, маъсиятлари
сабабли эса ваъийдга (**таҳдидга**)

лойикдир. Шу билан бирга у дўзахда абадий қолмайди.

Мутлақ том (**комил**) иймон дўзахга тушишдан тўсади. Ноқис иймон эса дўзахда абадий қолишдан тўсади.

۹-**савол:** Мўминларнинг даражалари нечта ва қайсилар?

Жавоб: Мўминлар уч қисмдир:

‘) Яхшиликларга ошикувчилар.
Улар фарзу вожибларни, суннату мустаҳабларни адо этувчи, ҳаром ва макрухлардан тийилувчи кишилардир;

‘) Муқтасидлар (**ўрта миёналар**).
Улар фарзу вожибларни адо этиш ва

ҳаромлардан сақланиш билан кифояланган кишилардир.

۷) Ўзларига зулм қилувчилар. Улар яхши ва ёмон амалларни аралаш қилувчи кишилардир.

‘‘-савол: Бандалар иш-харакатларининг ҳукми нима?

Жавоб: Бандаларнинг тоату маъсиятлардан иборат барча иш-харакатлари Аллоҳнинг яратиши, қазоси ва қадари ичига дохил, бироқ, уларнинг ўзлари бу ишларни амалга оширувчиidlар. Аллоҳ уларни бунга мажбур қилмаган, шу билан бирга бу ишлар уларнинг ўз истак-хошилари ва куч-қудратлари билан содир бўлган, улар ҳақиқатан

уларнинг иш-ҳаракатларидир ва
улар ўша ишларнинг эгалари
саналиб, шу билан савоб ва азобга
лойик бўладилар.

У иш-феъллар, ҳақиқатан,
Аллоҳнинг яратган борлиғидир.
Чунки уларнинг (**бандаларнинг**)
ўзларини ҳам, истак-хоҳишларини
ҳам, куч-қудратларини ҳам,
уларнинг истак-хоҳишлари ва куч-
қудратлари билан содир бўладиган
барча ишларни ҳам Аллоҳ
яратгандир.

Биз Аллоҳнинг халқи (**яратиши**) ва
қудрати барча нарсалар
(**предметлар**), васфлар (**белгилар**) ва
иш-ҳаракатларга шомил (**умумий**)

эканига далил бўлувчи Китобу Суннатнинг барча насларига (далиллариға) иймон келтирамиз.

Шунингдек, биз яхшилик ва ёмонликларни бандалар ҳақиқатан ўзлари қилувчи эканига ва улар ўз иш-харакатлари хусусида ихтиёрли эканига далил бўлувчи Китобу Суннат наслариға ҳам иймон келтирамиз. Зеро, Аллоҳ уларнинг куч-қудратлари ва истак-хоҳишларини яратган ва бу иккиси уларнинг иш-харакатлари ва гап-сўзларининг вужудга келишига сабабдир. Том сабабнинг яратувчиси мусаббабнинг (яъни, сабаб воситасида юзага келган ишнинг) ҳам яратувчисидир. Аллоҳ

уларни бу ишларга мажбур
қилишдан буюкроқ ва одилроқдир.

‘‘-савол: Ширк нима, у неча қисм?

Жавоб: Ширк икки хилдир.

Биринчиси рубубиятдаги ширк
бўлиб, у — банда баъзи
махлукотларни яратишда ё уларни
бошқаришда Аллоҳнинг шериги
бор, деб эътиқод қилишидир.

Иккинчиси ибодатдаги ширк бўлиб,
у икки қисмга — катта ва кичик
ширкка бўлинади.

Катта ширк — банда ибодатлардан
бирон турини Аллоҳдан бошқага
қилишидир, Аллоҳдан бошқага дуо-
илтижо қилиши, ундан умидвор

бўлиши ё қўрқиши каби. Бундай ширк кишини диндан чиқаради ва уни қилувчиси дўзахда абадий қолади.

Кичик ширк эса, Аллоҳдан бошқаси билан қасам ичиш, риё ва шу каби, ибодат даражасига етиб бормаган ва катта ширкка олиб борувчи восита ва йўллардир.

‘ۚ-савол: Аллоҳга иймон келтиришнинг муфассал кўриниши қандай бўлади?

Жавоб: Биз дилимиз билан эътироф қиласиз ва тилимиз билан иқрор бўламизки:

Албатта, Аллоҳ вожибул вужуд
(яъни, йўқдан бор бўлмаган ва ҳеч
қачон йўқ бўлмайдиган, азалий ва
абадий мавжуд) Зотдир;

Яккадир, Ягонадир, Ёлғиздир,
Беҳожатдир;

Комиллик, улуғлик, буюклик,
катталик ва олийлик сифатларининг
барчаси ила танҳодир;

Халойиклар унинг сифатларидан
биронтасини ҳам тўла қамраб
олишга қодир бўлмайдиган
комиллик чўққиси Унингдир;

У Ўзидан илгари ҳеч нарса бўлмаган
Аввалдир;

У Ўзидан кейин ҳеч нарса бўлмаган
Охирдир;

У Ўзидан юқорида ҳеч нарса
бўлмаган Зоҳирдир;

У Ўзидан қуида ҳеч нарса
бўлмаган Ботиндир;

У энг Олий ва Аълодир, зоти
олийдир, қадри олийдир, қаҳри
олийдир;

У барча нарсани билувчиdir;

У ҳамма нарсага қодирдир;

У турли-туман тиллардаги, ҳар хил
ҳожат эгаларининг барча
овозларини эшитувчиdir;

У ҳамма нарсани кўриб турувчиdir;

У Ўзининг яратишида ва қонун
чиқаришида ҳикмат соҳибидир;

У барча васфлари ва феълларида
мақтовлидир;

У улуғлиги ва буюклигига энг
юксакдир;

У раҳмати ҳамма нарсани қамраб
олган, саховати, яхшилиги ва
инъом-эҳсони билан барча
мавжудотни ўраб олган Раҳмон ва
Раҳиймдир;

У барча мулкларнинг эгаси ва барча
мамлакатларнинг ягона
подшохидир. Унинг бир сифати
Моликдир, юқори ва қуйи оламлар
барчаси Аллоҳнинг мулклари ва

қулларидир. У улар устида мутлақ тасарруф сохибидир;

У барча зотий сифатларини ўз ичига олган комил хаёт эгаси бўлмиш Ҳай (тирик)дир;

У абадий барҳаёт ва ўзгаларга хаёт бахш этувчи Қайюмдир;

У иш-ҳаракат бажаришга оид барча сифатлар билан сифатлангандир. У истаган ишини қилувчи Зотдир. У нимани истаса бўлади, нимани истамаса бўлмайди;

Гувоҳлик берамизки, У яратувчи, бор қилгувчи, сурат ато этувчи, коинотларни пайдо қилган, уларни

пишиқ-пухта яратган ва низомини
гўзал қилган Роббимиздир;

У — Ундан ўзга ҳақ илоҳ йўқ
бўлган Аллоҳдир. Ундан ўзга ҳеч
ким ибодатга сазовор бўлмайдиган
илоҳ ва маъбуддир;

Биз Қахҳор, Азиз ва Ғаффор бўлган
ягона Аллоҳгагина бўйин эгамиз,
хокисорлик кўрсатамиз ва ибодат
билин юзланамиз, Унгагина ибодат
қиласиз, Ундангина ёрдам
сўраймиз, факат Ундан умидвор
бўламиз ва Ундангина қўрқамиз;

Унинг раҳматидан умидвор
бўламиз, адолати ва азобидан
қўрқамиз, бизнинг Ундан ўзга
Роббимиз йўқ, факат Унга дуо-

илтижо қиласиз, Ундан сўраймиз,
бизнинг Ундан ўзга орзу-
умидларимизни боғлайдиган
илоҳимиз йўқ, У динимиз ва
дунёмизни ислоҳ қилишда ёлғиз
хожамиздир, У биздан барча
ёмонлик ва кўнгилсизликларни даф
қилувчи нақадар яхши
ёрдамчимиздир!

‘۲-савол: Пайғамбарларга иймон
келтиришнинг муфассал кўриниши
қандай бўлади?

Жавоб: Нубувват ва рисолатлари
(пайғамбарликлари) событ бўлган
жамики пайғамбарларга мужмал ва
муфассал суратда иймон

келтиришимиз вожибдир. Биз улар
ҳақида шундай эътиқод қиласиз:

Аллоҳ таоло уларни Ўз ваҳийси ва
рисолатига хослаган;

Уларни Ўз дини ва шариатини
етказишда Ўзи билан халқлари
орасида воситачи қилган;

Уларни ҳақ-рост
пайғамбарликларига ва олиб келган
динларининг ҳақлигига далил
бўлувчи далил ва ҳужжатлар билан
қўллаб-қувватлаган;

Улар илму амал жиҳатидан
халқларининг энг комилидирлар,
ахлоқ ва амалларда энг ростгўйи,

Энг яххиси, энг комили ва энг тўғрисидирлар;

Аллоҳ таоло уларни ҳеч ким ета олмайдиган фазилатлар билан хослаган ва уларни барча турдаги разил хулқлардан саломат саклаган;

Улар Аллоҳ томонидан ўзлари етказаётган ҳар бир нарсада маъсум (гуноҳдан пок)дирлар;

Уларнинг хабарларида ва етказишларида факат ҳақ ва тўғри сўзларгина ўрин олган;

Уларнинг ҳаммаларига ва улар Аллоҳ тарафидан келтирган барча нарсаларга иймон келтириш, уларни

севиш, улуғлаш ва эҳтиром қилиш
вожибdir;

Эътиқод қиламизки, мазкур ишлар
пайғамбаримиз Мұхаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламга
нисбатан бизнинг зиммамизга яна
ҳам комил ва яна ҳам юксак
даражада вожиб бўлади;

У зотни таниш ва у зот келтирган
шариатни имкон қадар умумий ва
муфассал тарзда ўрганиш, унга
(шариатга) иймон келтириш ва уни
лозим тутиш, барча ишларда у
зотнинг хабарларини тасдиқлаш,
буйруқларига бўйсуниш ва
қайтариқларидан тийилиш билан

итоатларини лозим тутиш вожиб бўлади;

У зот пайғамбарларнинг сўнгисидирлар, у зотдан сўнг бошқа пайғамбар келмайди, у зотнинг шариатлари илгариги барча шариатларни мансух (**бекор**) қилган ва у то қиёматгача боқийдир;

Банданинг у зотга бўлган иймони то у зот келтирган барча нарсани ҳак деб билмагунича комил бўлмайди;

У зот келтирган нарсанинг зиддига бирон ақлий ва ҳиссий далил туралдиши амри маҳолдир. Аксинча, соғлом ақл ва юз бераб турган ҳиссий ишлар у зотнинг ҳак-рост

пайғамбар эканларига гувоҳлик беради.

‘ξ-савол: Қазо ва қадарга иймон келтиришнинг нечта даражаси бор ва улар қайсилар?

Жавоб: У тўрт дараждадан иборат бўлиб, барчасига иймон келтирмагунча қадарга бўлган иймон мукаммал бўлмайди. **Улар қуидагилар:**

‘) Аллоҳ барча нарсани билувчи эканига, Унинг илми борлиқда юз берадиган катта-ю кичик ҳодисаларнинг ҳаммасини қамраб олган эканига иймон келтириш;

- ۲) У буларнинг барчасини лавҳи маҳфузга битиб қўйган эканига иймон келтириш;
- ۳) Буларнинг бари Унинг истак-хоҳиши ва қудрати билан содир бўлишига, У истаган нарса бўлиб, истамаган нарса бўлмаслигига иймон келтириш;
- ۴) Шу билан бирга У бандаларга ўз ишларини қилишга имконият берган ва улар ишларни ихтиёрий равишда, ўз истаклари ва қудратлари билан қилишларига иймон келтириш.

Аллоҳ таоло айтганидек:

كِتَابٍ فِي ذَلِكَ إِنَّ وَالْأَرْضَ السَّمَاءُ فِي مَا يَعْلَمُ اللَّهُ أَنَّ تَعْلَمُ {أَلَمْ تَعْلَمُ} عَالِمٌ تَعْلَمَ: اللَّهُ قَالَ كَمَا [الحج: ۷۰]

«(Эй Пайғамбар), сиз Аллоҳ осмон ва Ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта, бу Китобда (яъни Лавҳул-махфузда ёзиб қўйилгандир)» (Ҳаж: ٧٠).

الْعَالَمِينَ} رَبُّ اللَّهِ يَسْتَأْنِعُ أَنِ إِلَّا تَشَاءُونَ وَمَا * يَسْتَقْبِلُ أَنْ مِنْكُمْ شَاءَ {لِمَنْ وَقَالَ: ٢٩ - ٢٨] [التکویر:

«(Қуръон) сизларнинг орангиздаги Тўғри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар бутун оламлар Робби бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар» (Таквир: ۲۸، ۲۹).

۱۵-савол: Охират кунига бўлган иймоннинг таърифи нима ва унинг ичига нималар дохил бўлади?

Жавоб: Ўлимдан кейин юз берадиган нарсалар хусусида Китоб ва Суннатда келган барча нарсалар охиратга бўлган иймон ичига дохилдир. **Чунончи:**

- Қабрдаги аҳвол, барзах, ундаги роҳат ва азоб;
- Киёмат кунидаги ҳолатлар ва унда бўладиган ҳисоб, савоб, азоб, сахифалар (**номай аъмол**), тарози ва шафоат;
- Жаннат ва дўзахдаги ҳолатлар, уларнинг сифатлари, жаннат ва дўзах ахлининг сифатлари, Аллоҳ таоло ҳар иккисининг аҳли учун ҳозирлаб қўйган нарсаларга ижмолий (**умумий**) ва тафсилий

(муфассал тазда) иймон келтириш — мана шуларнинг ҳаммаси охират кунига бўлган иймон ичига дохилдир.

۱۷-савол: Нифоқ нима, у неча қисм?

Жавоб: Нифоқ — ёмонликни ичга яшириш ва яхшиликни кўрсатиш бўлиб, у икки қисмдир:

۱. Эътиқодга тааллуқли катта нифоқ, унинг эгаси дўзахда абадий қолади. Бу эса Аллоҳ таоло қуидаги оятда мунофиқлар ҳақида хабар бериб айтгани кабидир:

[البقرة: بِمُؤْمِنِينَ} هُمْ وَمَا الْآخِرَ وَبِالْيَوْمِ بِاللَّهِ آمَّا يَقُولُ مِنْ النَّاسِ {وَمَنْ

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, тилларида «Аллоҳга ва

Охират Кунига иймон келтирдик», дейдилар, ваҳоланки улар иймон келтирувчи эмаслар» (Бақара: ۸).

Улар дилларида куфрни яширган ва тилларида Исломни изхор қилган кимсалардир.

۷. Амалга тааллуқли кичик нифоқ. **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлари каби:**

«Мунофиқнинг аломати учта: сўзласа ёлғон сўзлайди, ваъда берса хилоф қиласи, омонат қўйилса хиёнат қиласи» (Муттафақун алайҳ).

Демак, катта куфр ва нифоқ бўлган ҳолда иймон ҳам, амал ҳам фойда бермайди. Аммо, кичик куфр ва

нифоқ иймон билан жамланиши мүмкин, бу ҳолда бандада яхшилик билан ёмонлик, савоб сабаблари билан азоб сабаблари мавжуд бўлади.

۱۷-савол: Бидъат нима ва у неча қисм?

Жавоб: Бидъат суннатнинг зиддидир. У икки турлидир:

۱) Эътиқодга тааллуқли бидъат, у Аллоҳ ва Расули хабар берган нарсанинг зиддини эътиқод қилишdir. Ушбу бидъат қўйидаги ҳадиси шарифда мазкурdir:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Умматим етмиш уч фирмага бўлиниб кетади, барчаси дўзахда, факат биттаси (жаннатда бўлади)». «Улар ким, ё Расулуллоҳ?» деб сўрадилар. «Мен ва асҳобларим бугун юрган йўлда юрган кишилар», деб жавоб бердилар. (Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ҳокимлар ривоят қилишган, саҳих).

Ким мана шу васф устида бўлса, у соғ суннат соҳибидир. Ким бошқа фирмалар аҳлидан бўлса, у бидъатчиdir ва ҳар бир бидъат залолатdir. Бидъатлар суннатдан узоқлашиш микдорига қараб тафовутли бўлади.

۱) Амалга тааллуқли бидъат, у Аллоҳ ва Расули машруъ (**шаръий**) қилган нарсадан бошқаси билан ибодат қилиш ёки Аллоҳ ва Расули ҳалол қилган нарсани ҳаром қилишдир. Ким ношаръий (**шаръий бўлмаган**) нарса билан ибодат қилса ёки шариат соҳиби ҳаром қилмаган нарсани ҳаром санаса, у бидъатчиdir.

۲-**савол:** Зиммангизда мусулмонларнинг қандай ҳақлари бор?

Жавоб: Аллоҳ таоло: «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир», дейди (**Хужурот: ۱۰**).

Демак, зиммангиздаги вожиб шуки, уларни оға-ини деб кўриб, ўзингиз учун яхши кўрган нарсани улар учун ҳам яхши кўрасиз, ўзингиз учун ёмон кўрган нарсани улар учун ҳам ёмон кўрасиз, кучингиз етганича уларнинг манфаатини кўзлаб, ўрталарини ислоҳ қилиш, дилларини ошно қилиш ва ҳақ устида бирлашишлари йўлида саъй-харакат қиласиз. Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, унга зулм қилмайди, уни ёрдамсиз қўймайди, унга ёлғон гапирмайди, уни таҳқирламайди. Ота-она, қариндош-уруғ, қўни-кўшни, ёр-биродар, ишдаги шерик каби хос ҳаққи бўлган кишиларнинг ҳақларини адо этасиз.

19-савол: Пайғамбаримизнинг
саҳобаларига нисбатан зиммамизга
нималар вожиб бўлади?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламга бўлган иймон ва
у зотга бўлган муҳаббат
қўйидагилар билан том ва комил
бўлади:

- У зотнинг саҳобаларини
фазилатлари, у зотга нисбатан
тутган ўринлари ва мартабаларига
кўра севиш;
- Бутун умматга у билан устун
бўлган фазилатларини эътироф
қилиш;

- Уларга мұхабbat қўйиш ва фазилатларини ёйишни ўз зиммамиздаги бурчимиз, деб билишимиз;
- Улар ўртасида содир бўлган ихтилофлардан тилни тийиш;
- Уларни умматнинг барча мақтовли хислатларга энг лойик кишилари, барча яхшиликларга энг ошиққан ва барча ёмонликлардан энг қаттиқ тийилган кишилари, деб Эътиқод қилиш;
- Барчалари ғоят одил ва Аллоҳ розилигига етишган кишилар, деб Эътиқод қилиш.

۲۰-савол: Имомат (халифалик) ҳақида нима дейсиз?

Жавоб: Имом (халифа) тиклаш фарзи кифоя деб эътиқод қиласиз.

Зеро, уммат ўзи учун дини ва дунёсини тиклаб берадиган, ундан душманларнинг тажовузларини даф қиладиган ва жиноятчиларга шаръий жазоларни қоим қиладиган имомга доимий муҳтождир. Унинг имомлиги эса гуноҳ бўлмаган, маъруф-яхши ишларда унга итоат қилиш билан комил бўлади.

Жиҳод яхши-ю фожир (имом) билан жорийдир, имомларга яхшиликда ёрдам берилади, ёмонликдан (тийилишга) насиҳат қилинади.

۲۱-савол: Тўғри Йўл (сирот мустақийм) нима ва унинг белгилари қандай?

Жавоб: Тўғри йўл — фойдали илм ва солиҳ амалдир.

Фойдали илм — Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган Китоб ва Суннатдир.

Солиҳ амал — соғлом эътиқод ҳамда фарзу нафлларни адо этиш ва қайтарилган ишлардан тийилиш билан Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилишдир.

Бу эса Аллоҳнинг ҳуқуқларини ва бандаларнинг ҳуқуқларини адо этишдир ва бу факат Аллоҳга тўла

ихлосли бўлиш ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўла эргашиш билангина ҳосил бўлади.

Дин ушбу икки асл-**асосга марказлашган**:

- Кимда ихлос бўлмаса, у ширкка тушиб қолади;
- Кимда (**Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга**) тўла эргашиш бўлмаса, у бидъатларга тушиб қолади.

۲۲-**савол:** Мўмин кишининг кофир ва динни инкор қилувчи кимсадан ажралиб турадиган асосий белгилари нима?

Жавоб: Бу жуда улкан саволдир.

Мўмин билан бошқалар ўртасидаги фарқ билан ҳақ ботилдан, баҳтли инсонлар баҳтсиз кимсалардан ажралади.

Билингки, ҳақиқий мўмин Аллоҳга ва Унинг Китоб ва Суннатда келган исм ва сифатларига уларни тўла тушуниш ва эътироф этиш билан ҳамда Уни барча нолойик ва номуносиб сифатлардан пок санаш билан иймон келтирган, сўнг қалби иймон, ишонч, хотиржамлик ва Аллоҳга боғланиш билан лиммолим тўлган кишидир.

У ягона Аллоҳнинг Ўзига тавба ва инобат қилган, Аллоҳ таолога Унинг Ўзи пайғамбарининг тилида шаръий

қилган ибодатлар билан ибодат
қилган ва бу ибодатларини Аллоҳга
ихлос билан, Унинг савобини умид
қилган ва азобидан қўрққан ҳолда
қилган кишидир.

У Аллоҳнинг давомли неъматларига
ва улкан инъому эҳсонларига дили,
тили ва барча аъзолари билан шукр
бажо келтирувчи ва ҳамма вакт
Унинг зикри билан банд кишидир.

У шу неъматдан улуғроқ неъмат ва
бу кароматдан улуғроқ каромат бор
деб билмайди.

У Аллоҳга тавба ва инобат қилиш ва
ягона Аллоҳгагина иқбол қилиш
лаззатига нисбатан бу дунёning

моддий лаззатларини жуда ҳақир санайди.

Шу билан бирга, у ҳаёт лаззатларидан ҳам тўла-тўкис баҳраманд бўлади, улардан коғирлар ёки ғофиллар ҳузурланганидек эмас, балки Аллоҳнинг ҳақларини ва бандаларнинг ҳақларини адо этишда шу билан ёрдамланиш нуқтаи назаридан фойдаланади.

Бу иши билан савобдан умидвор бўлиши билан унинг лаззатлари комил бўлади, қалби роҳатланади, кўнгли хотиржам бўлади, ишлар агар у истамаган кўриниш олса ҳам хафа бўлмайди. У Аллоҳ таоло унга

дунё ва охират саодатини жамлаб
қўйган ҳақиқий мўминдир.

Энди, кофир ва ғофил кимса унинг
тамомила аксиdir.

У борлиги ва комил зот эканига
аклий ва нақлий далил-хужжатлар,
зарурий ва ҳиссий илмлар далолат
қилиб турган улуғ Роббини инкор
қилди, буларниг баридан кўз
юмди.

Аллоҳни эътироф этиш ва Унга
ибодат қилишдан узилгач, табиатни
худо санаб, унга сифинди, қалби
ҳайвонларниг қалби билан бир хил
бўлди.

Унинг моддий ишлар билан
хузурланишдан бошқа ғами йўқ.

Қалбида хотиржамлик йўқ,
суйганларини йўқотишдан қўрқади,
бошига кўнгилсизликлар етишидан
хавфда юради.

Унинг қийинчиликларини
енгиллатадиган, мусибатларига
малҳам бўладиган иймони йўқ.

У иймон лаззатидан, Аллоҳ билан
яқинлашиш ҳаловатидан,
иймоннинг накд (**дунёвий**) ва насия
(**ухровий**) самараларидан маҳрум.

Савоб умид қилмайди, азобдан
қўрқмайди, бор қўрқув ва умиди

арзимас моддий, дунёвий нафс
майл-истакларига боғланган.

Мўмин киши ҳаққа ва халққа
тавозелидир. Аллоҳнинг турли
тоифа ва даражадаги бандаларига
тили билан ҳам, дили билан ҳам,
амали билан ҳам холис насиҳат
қиласди.

Коғир эса ҳаққа ва халққа кибрли,
ўзига бино қўйган, бирорга холис
насиҳат деган эътиқодга эга эмас.

Мўминнинг дили алдов, хиёнат,
гина-ю кудуратдан саломат. У ўзи
учун яхши кўрган нарсани бошқалар
учун ҳам яхши кўради, ўзи учун
ёмон кўрган нарсани улар учун ҳам
ёмон кўради, кучи етганича

уларнинг манфаатини кўзлаб
ҳаракат қиласди, халқларнинг
озорига сабр қиласди, уларга ҳеч бир
кўринишда зулм қилмайди.

Кофирнинг қалби ғиллу ғашлик ва
ҳикду адоват билан қайнайди.

Модомики, ўзининг бирон дунёвий
ғарази бўлмас экан, бироргага
яхшилик ва манфаат истамайди.

Қодир бўлса, ўйлаб ҳам ўтирмасдан
халқларга зулм ўтказади. Ўзи эса
бирорларнинг озорлариға сабр қила
олмайди.

Мўмин тўғрисўз, гўзал муомала
соҳибидир. Ҳалимлик, оғир-
босиқлик, сакинат, раҳмдиллик,

сабру тоқат, вафо, бағрикенглик,
олийжаноблик унинг сифатидир.

Кофирнинг сифати эса енгилтаклик,
бераҳмлик, жазавакорлик,
ваҳимачилик, ёлғончилик,
бевафолик, ахлоқсизликдан иборат.

Мўмин фақат Аллоҳ учун ўзини
хору зор тутади, Роббидан ўзгага
хорланишдан ўзини ва обрўсини
сақлайди.

Иффат, куч-қувват, шиҷоат,
саҳоват, мурувват унинг сифатидир,
у фақат ҳалол-пок нарсани ихтиёр
қиласи.

Кофир эса бунинг тамомила
аксидир. Унинг қалби маҳлуқларга

боғланган, уларнинг заарар
етказишидан хавф қиласди, улардан
фойда умид қиласди, керак бўлса
уларга тиз чўкади, обрўсини тўкади.
Унда на иффат, на қувват, на
шижоат бор, бўлса ҳам ўзининг
паст-тубан ғаразлари учун
ишлатади. У мурувват ва
одамгарчиликдан маҳрум,
топганини қўйнига уради, покми,
нопокми, фарқи йўқ.

Мўмин киши фойдали сабабларни
қилишга уриниш билан Аллоҳга
таваккул қилиш ва Унга ишониш
ҳамда барча ишларида Ундан мадад
сўраш ўртасини боғлаган, Аллоҳ
унинг мададкоридир.

Кофири эса таваккул деган нарсани билмайди, унинг назари фақат ўз тубан ва заиф нафсигагина чекланган. Дарҳақиқат, Аллоҳ уни ўзи йўл олган томонга йўллаб қўйгандир ва талаб-истакларида Аллоҳ унинг мададкори эмасдир. Агар ўзи истаган ва яхши кўрган нарсалари унга берилган бўлса, бу учун истидрождир (**яъни азоб сари аста-секин етишига йўл қўйиб беришдир**).

Мўминга агар неъмат келса, уни шукр билан қабул қиласи, уни ўзи учун фойдали ва савобли ўринларга сарфлайди.

Иймонсиз кимса эса неъматни кибр ва түғён билан қабул қиласди, неъмат билан машғул бўлиб, уни инъом этувчини танимайди, шукрини адо этмайди, уни тубан мақсад ва ғаразларига сарф қиласди. Шундай бўлгани холда, неъматнинг заволи тез, ундан айрилиш фурсати яқиндир.

Мўминга мусибатлар етса, уларни сабру матонат билан кутиб олади, улар ортидан ажру савоблар кутади, уларнинг тезроқ бошидан аришини умид қиласди. Натижада, бунинг эвазига қўлга киритган хайру савоблари йўқотган маҳбубидан ё ўзига етган ёмонликдан кўра каттароқ ва яхшироқ бўлади.

Иймонсиз кимса эса мусибатни дод-фарёд ва жазава билан қарши олади, натижада унинг мусибати яна ҳам кучайиб, ташқи алам-аччикқа қалбидаги оғриқ ҳам қўшилади. У сабрдан маҳрумдир, ажру савобдан умидвор ҳам эмасдир. Ҳасрати нақадар чўнг, ғам-алами нақадар азобли унинг!!

Мўмин киши барча пайғамбарларга иймон келтириш, уларни улуғлаш, уларнинг севгисини бошқа жамики халқлар севгисидан устун қўйишни диндан деб билади. Халқларга то қиёматгача етадиган барча яхшилик ва хайротлар уларнинг қўллари билан ва ҳидоятлари сабабли эканини эътироф этади. Халқлар

бошига келадиган барча ёмонлик ва заарлар сабаби пайғамбарларга мухолиф бўлиш, деб ишонади. Улар халқларга яхшиликлари энг кўп сингган зотлардир, хусусан, уларниң имомлари ва сўнгилари бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳ таоло бутун оламга раҳмат қилди, бутун борлиқнинг салоҳияти, ислоҳи ва ҳидояти учун юборди, деб эътиқод қиласи.

Иймонсиз кимсалар эса, бунинг акси ўлароқ, пайғамбарларнинг душманларини улуғлашади ва уларниң сўзларини эҳтиром қилишади, ўз аждодларига ўхшаб, пайғамбарлар олиб келган динларни

масхара қилишади. Бу эса уларнинг ақллари пастлиги ва ахлоқлари тубандан ҳам тубан эканига далолатdir.

Мўмин киши сахобаларга, мусулмонларнинг йўлбошчилари ва ҳидоят имомларига муҳаббат қўйишни Аллоҳнинг динидан деб билади.

Динсиз кимса эса бунинг аксиdir.

Мўмин киши Аллоҳга ихлоси кучли бўлганидан Аллоҳ учун амал қиласди ва Аллоҳнинг бандаларига яхшиликлар қиласди.

Иймонсиз кимса эса, бор ишамалини факат ўз тубан ғаразларига эришиш учунгина амалга оширади.

Мўмин қалби фойдали илм, сахих иймон, Аллоҳга иқбол қилиш, Уни зикр қилиш, халқларга яхшиликлар қилиш билан ёришган, юраги тубан ва жирканч сифатлардан саломат кишидир.

Кофир ва диндан ғофил кимса эса, кўнгил ёришиши сабабларидан маҳрум бўлгани боис, бунинг тамомила аксиdir.

Иккинчи боб: Иймондан тўсувчи нарсалар

Савол: Агар сахиҳ-соғлом иймон сиз мухтасар равишда баён қилганингиздек бўлса, накд (дунёвий) ва насия (охиратдаги) саодат фақат у билан рӯёбга чиқса, у зоҳиру ботинга, ақида, ахлоқ ва одоб учун яроқли бўлса, у сиз айтганингиздек, бутун башариятни яхшилик ва тузалиш сари чорласа ва энг тўғри йўлга йўлласа, агар иш шу сиз айтганларингиз каби бўлса, нега у ҳолда жуда кўпчилик инсонлар дин ва иймондан юз ўгиришган, унга душманлик йўлини тутишган ва уни масхара қилишади?! Аксинча бўлиши керак эмасмиди? Одамларнинг солихни фосиддан, яхшини ёмондан, фойдалини

зарарлидан ажрата биладиган
ақллари бор-ку ахир!

Жавоб: Ушбу эътирозни Аллоҳ таоло Ўз Китобида зикр қилган ва унга воқеликдаги иймондан тўсувчи сабаблар ва иймон йўлига ғов бўлувчи тўсиқлардан бир нечтасини келтириш билан жавоб берган.
Мазкур эътирознинг жавобларини билгач, киши ўзи гувоҳ бўлаётган, кўпчилик инсонларнинг ундан юз ўгиришларидан ҳайрон бўлмай ва бу нарсани ғаройиб санамай қўяди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло кўпчилик инсонлардан содир бўлаётган Ислом динига иймон келтиришдан

тўсадиган бир неча воқеий
монеларни зикр қилган:

‘) Исломни билмаслик, унинг
моҳиятидан бехабарлик, унинг
юксак таълимотларидан, олийжаноб
мақсад ва кўрсатмаларидан воқиғ
бўлмаслик.

Фойдали илмларга эга бўлмаслик
соғлом ҳақиқатлар ва гўзал
ахлоқларга етишдан тўсувчи энг
катта тўсиқ ва энг улкан монедир.

Аллоҳ таоло айтади:

[يونس: ٣٩] تَوَيِّلُهُ { يَأْتِهِمْ وَلَمَّا بِعْلَمُهُ يُحِيطُوا لَمْ بِمَا كَبَّوَا { بِنْ تَعَالَى: قَالْ

«Йўқ! Улар Куръон илмини
эгалламасдан (яъни Куръонда зикр
қилинган қайта тирилиш, жазо ва

мукофот, жаннат ва дўзах каби хабарларнинг ҳақиқатига етиб бормасдан) ва уларга унинг таъвили — моҳияти аён бўлмасдан туриб «ёлғон», дедилар» (Юнус: ۳۹).

Аллоҳ таоло бизга уларнинг ёлғонга чиқаришлари илмсизликларидан ва Куръондаги маълумотларни эгалламаганликларидан келиб чиққанини, унинг бандани ҳаққа қайтиш ва уни эътироф этишга ундейдиган таъвили-моҳияти, яъни оқибат азобга дучор бўлиш экани, уларга аён бўлмаганини хабар берди.

Аллоҳ таоло айтади:

[الأنعام: يَجْهَلُونَ} أَكْثَرُهُمْ {وَلَكُنَّ تَعَالَى: وَيَقُولُ] ۱۱۱.

«Лекин уларнинг кўплари (буни) билмайдилар» (Анъом: ۱۱۱).

[الأنعام: يَعْلَمُونَ لَا أَكْثَرُهُمْ {وَلَكِنْ ۝۳۷]

«Лекин уларнинг кўплари (мўъжиза тушганидан кейин ҳам инкор қилсалар, қандай бало келишини) билмайдилар» (Анъом: ۳۷).

[البقرة: يَعْقِلُونَ لَا فَهُمْ عُمَّيْ بُكْمٌ {صَمٌ ۝۱۷۱]

«Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар» (Бақара: ۱۷۱).

[الروم: يَعْقِلُونَ لَقَوْمٌ لَأَيَّاتٍ ذَلِكَ فِي {إِنْ ۝۲۴]

«Албатта бунда ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум: ۲۴).

Куръонда ушбу маънога далолат қилувчи бундан бошқа ҳам оятлар келган.

Жаҳолат — билимсизликнинг оддий ва мураккаб кўриниши мавжуд бўлиб, оддийсига мисол — ўз бошлиқ ва йўлбошчиларига эргашиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъватларини рад қилган содда ва саводсиз кимсаларнинг жаҳолатидир. **Улар бошлирига азоб келган пайт:**

[الأحزاب: السَّيِّلَا] فَأَضْلَلُنَا وَكُبَرَاءُنَا سَادَتْنَا أَطْعَنَّا إِنَّا {رَبَّنَا} ٦٧.

«Парвардигоро, дарҳақиқат бизлар бошликларимизга ва катталаримизга бўйсундик, бас улар бизларни

(тўғри) йўлдан оздирдилар» (Аҳзоб: ۱۷), деб айтадиган кишилардир.

Жаҳолатнинг мураккаб кўриниши эса икки хил бўлади.

Биринчиси, бир киши ўз қавмининг, ота-бобосининг ва ўзи улар ичида ўсиб-улғайган кишиларнинг динида бўлиб турган ҳолида унга ҳақ етади, бироқ, у ҳаққа боқмайди. Боқса ҳам, ўзи унда улғайган динини яхши кўрганидан ва қавмига таассуб қилганидан, жуда қисқа-қосир назар билан боқади. Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганлар ва уларнинг даъватларини рад қилганлар асосан мана шундай кишилардир. **Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай дейди:**

عَلَىٰ إِبَاءَعَنَا وَجَدْنَا إِنَّا مُتَرْفُوهَا قَالَ إِلَّا تَذَكَّرَ مِنْ قَبْلِكَ مَنْ أَرْسَلْنَا مَآ {وَكَذَلِكَ} [الزخرف: مُقْتَدُون] ءَاثَارُهُمْ عَلَىٰ وَإِنَّا أَمْمَةٌ

«(Эй Пайғамбар), шунингдек Биз сиздан илгари бирон қишлоқ-шахарга бирон огоҳлантирувчи — пайғамбар юборган бўлсак, у жойнинг боёнлари: «Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат — дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан эргашувчи дирмиз», деганлар» (Зухруф: ۲۳).

Бу айни кўр-кўрона тақлидdir. Бу тақлид эгаси ботилда бўла туриб, ўзини ҳақдаман, деб даъво қиласди.

Моддиюнчи динсиз (атеист) кишиларнинг аксари шу турдаги жаҳолатга дохилдирлар. Чунки,

уларнинг билимлари, текшириб кўрилса, ўз йўлбошчиларига тақлиддан иборат. Доҳийларининг ҳар бир сўзини худди илоҳий ваҳийдек қабул қилишади. Агар ўша етакчилари бир хато назарияни ишлаб чиқишган бўлса-да, улар ўшаларнинг тўғри-ю нотўғри гапларининг ҳаммасига бир хилда эргашишади. Улар ҳар бир онгсиз ва маҳлиё бўлувчи кимсалар учун фитнадир.

Мураккаб жаҳолатнинг иккинчи тури — айни куфр йўлбошчилари ва динсиз раҳбарлар ҳолати бўлиб, улар табиат ва коинот илмларида моҳир бўлдилар, бошқаларни билимсиз санадилар,

маълумотларни ўзларининг тор доирага чегараланган заиф билимларига чекладилар, пайғамбарларга ва уларнинг издошларига паст назар билан қарадилар, илмларни инсоний ҳисларга (яни, кўриш, эшитиш, ушлаб кўриш, тотиб кўриш ва ҳидлаш орқали маълум бўладиган ҳиссий билимларга) ва башарий тажрибалар етиб борган маълумотларга чекладилар ва бундан бошқа ҳар қандай илм ва маълумотни, ҳақ бўлса-да, инкор қилдилар ва ёлғонга чиқардилар. Натижада, Роббул оламийнни инкор қилдилар, Унинг пайғамбарларини ёлғончига чиқардилар, Аллоҳ ва Расули хабар берган барча ғайб

ишларига доир маълумотларни ёлғон санадилар. Аллоҳ таолонинг мана бу сўзлари остига дохил бўлишга энг ҳақли кимсалар ўшалардир:

إِنَّمَا كَانُوا مَا بِهِمْ وَحَاقَ الْعِلْمُ مِنَ عِنْدِهِمْ بِمَا فَرَّحُوا بِالْبَيْنَاتِ رُسُلُهُمْ جَاءُهُمْ {كُلُّمَا}[٨٣]. [غافر: يسْتَهْزِئُونَ]

«Уларга пайғамбарлари (Аллоҳга иймон келтириш ва У зотга бўйсуниш зарур эканлиги ҳақида) аниқ ҳужжатлар келтирган вақтларида улар ўзларининг олдиларидағи (фақат дунёвий бўлган) билимлари билан шодланиб-мақтандилар (ва пайғамбарлари огоҳлантирган азобни масхара қилиб кулдилар). Ва уларни ўзлари масхара қилувчи

бўлган (азоб) ўраб олди» (Ғоғир:
۸۳).

Бинобарин, уларнинг ўз илмлари, дунёвий фанлар бўйича илмлари билан ғуурланишлари ва шу соҳадаги маҳоратлари уларни ўз ботилларини маҳкам ушлаб олишга олиб келган энг катта сабабдир, шу ғуурлари уларни ўша илмларни афзал ва мақтовли санашни ҳамда пайғамбарлар келтирган ҳидоят ва илмдан муқаддам қўйишни тақозо этади. Шу ҳолат ҳам кифоя қилмасдан, балки пайғамбарларнинг илмларини масхара қилиш ва ғайриилмий деб санашга етиб бордилар. Уларни ўзлари масхара қилган азоб ўраб ўлгай, иншооллоҳ.

Соғлом динга боғланмаган ҳолда замонавий илм-фан билан шуғулланувчи жуда күп кишилар ўша атеистларга алданиб қолдилар. Бундаги асосий жавобгарлик даҳрийликдан ҳимоя қилувчи диний таълимотларга аҳамият қаратмай қўйган мактаб-мадрасалар зиммасига тушади. Чунки, шу мактабларни битириб чиқсан ўқувчи етарлича диний илм олмаган ва шаръий ахлоқлар билан хулқланмаган бўлади, ўзини бошқалар билмаган нарсаларни биладиган билағон санайди, шундан сўнг у дин ва диндорларга паст-ҳақир назар билан қарайди ва моддиюнчи даҳрий кимсалар измига тушиши жуда осон кечади. Бу эса

Ислом дини танасига урилган энг катта зарбадир.

Шундай экан, мактаб-мадрасалар хусусида мусулмонлар зиммасидаги энг биринчи вазифа — ҳамма нарсадан олдин диний илмлар таълимига аҳамиятни кучайтириш ҳамда (**дарсларни ўзлаштиришдаги**) муваффақият ва муваффақиятсизликни асосан шу нуқтага боғлаш ва бошқа барча нарсани шунга эргаштириш бўлмоғи лозим. Бу эса мутахассислар, муаллимлар ва соҳа масъуллари зиммасидаги энг зарурый фарзлардан биридир. Чунки, ёш авлод келажаги шунга боғлиқдир. Масъул шахслар, шу соҳада гапи

ўтадиган кишилар Аллоҳдан қўрқсинлар, динни мактаблардаги энг асосий илмлардан қилиш билан Аллоҳ ҳузурида улуғ ажру савоб умид қилсинглар! Зеро, бепарволик ёмон оқибатларга олиб келади, диний илмларга аҳамият қаратиш барча яхшилик ва тузалишнинг гаровидир.

۱) Ҳасад ва ноинсофлик ҳам дин ва иймондан тўсувчи тўсиқлардандир. Мисол учун, яхудийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларини ҳам, у зот келтирган нарсанинг ҳақлигини ва унинг моҳиятини худди ўз болаларини танигандек танишарди ва билишарди. Кейин улар дунёвий

ғаразлари ва паст-тубан истак-хөхишларини иймондан муқаддам қўйишиганидан ўзлари яхши билган ҳақни яширишди. Тарих ва сийратдан маълум бўлганидек, Қурайш зодагонларидан кўпларини ҳам айни шу иллат иймондан тўсган эди.

۳) Бу иллат эса кибрдан пайдо бўлади. Кибр ҳаққа эргашишдан тўсувчи энг катта тўсиқлардан биридир. **Аллоҳ таоло айтади:**

[الْأَعْرَافُ: الْحَقُّ بِغَيْرِ الْأَرْضِ فِي يَنْكَبُرُونَ الَّذِينَ ءَابَاتَتِي عَنْ {سَأَصْرُفُ تَعَالَى: قَالْ .] [١٤٦

«Энди Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган... кимсаларни Ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман

(яъни англаб етмайдиган қилиб қўюрман)» (Аъроф: ۱۴۶).

Ҳақни рад қилиш ва халқни ҳақир-
паст санаш маъносидағи
такаббурлик жуда кўп халқларни
аниқ далил-хужжатларни кўргандан
кейин ҳам ҳаққа эргашишдан ва
унга бўйин эгишдан тўсди.

Аллоҳ таоло айтади:

عَاقِبَةُ كَانَ كَيْفَ فَانظُرْ وَعُلُوًّا ظُلْمًا أَنْفَسُهُمْ وَاسْتَيْقَنْتُهَا بِهَا {وَجَحَدُوا تَعَالَى: قَالَ ۚ}[۱۴]. [النمل: المُفْسِدِينَ]

«Ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар. Энди (Эй Муҳаммад), у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг» (Намл: ۱۴).

❾) Саҳих самъий (**нақлий**) ва ақлий далиллардан юз үгириш ҳам иймондан түсувчи түсиқлардандир.

Аллоҳ таоло айтади:

وَإِنَّهُمْ * قَرِينٌ لَهُ فَهُوَ شَيْطَانًا لَهُ نُقِيضَنَ الرَّحْمَنَ ذِكْرٌ عَنْ يَعْشُ {وَمَنْ تَعَالَى: قَالَ ۝۳۶-۳۷}. [الزخرف: مُهَمَّثُونَ} أَنَّهُمْ وَيَخْسِبُونَ السَّبِيلَ عَنْ لِيَصْدُونَهُمْ

«Ким Раҳмон эслатмасидан (**яъни** Куръон панд-насиҳатларидан) кўр бўлиб олса — юз үгирса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас у ўша (**кофирга доимий**) ҳамроҳ бўлур. Шак-шубҳасиз (**шайтонлар, кофирларни Тўғри**) йўлдан тўсурлар, (**аммо кофирлар**) ўзларини ҳидоят топувчилар, деб ҳисоблайдилар» (**Зухруф: ۳۶, ۳۷**).

۱۰]. [الملَك: السَّعِير] أَصْحَابٍ فِي كُلِّ مَا تَعْقِلُ أَوْ نَسْمَعُ كُلَّا لَوْ {وَقَالُوا تَعَالَى: قَالَ

«Улар (кофирлар) яна: «Агар бизлар (огоҳлантирувчи пайғамбарнинг сўзларини) тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах эгалари қаторида бўлмас эдик», дерлар» (Мулк: ۱۰).

Ўзларининг ақлсиз ва (ҳақни эшитмайдиган) қулоқсиз эканликларини тан олган бу каби кимсаларда пайғамбарларнинг илмларига ва Аллоҳ томонидан туширилган китобларга рағбат бўлмади, уларда тўғриликка йўлланадиган соғлом ақллар бўлмади. Уларда бор-йўғи ўзлари ақлий деб ўйлаб олган, аслида илмсизлик ва жаҳолат бўлган хато назариялар бўлди, холос. Уларда

ўзларини ҳаққа эргашишдан тўсган ва охир-оқибат жаҳаннамга етказган залолат пешволариға эргашиш бўлди, холос. Мутакаббирларнинг борар жойи бўлмиш жаҳаннам нақадар ёмон жой!

◦) Ҳақ аниқ-равshan бўлганидан кейин уни рад қилиш ҳам иймондан тўсувчи монелардан биридир. Банда қалбининг ўзгариб қолиши ва чиройлини хунук, хунукни эса чиройли деб кўриши билан ҳам азобга гирифтор бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

[الصف: ۹۰]. [الصف: ۹۰] . قَالَ رَاغُوا أَرَأَيْتُمْ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ فَقَالُوا مَا نَعْلَمُ

«Бас, қачонки улар (**Ҳақ йўлидан**) оғишгач, Аллоҳ уларнинг

дилларини (хидоятдан) оғдириб
қўйди» (Саф: ۵).

Аллоҳ таоло айтади:

طَعْيَانِهِمْ فِي وَنَذَرُهُمْ مَرَّةٍ أَوْلَى بِهِ يُؤْمِنُوا لَمْ كَمَا وَأَبْصَارُهُمْ أَفْئَدَتَهُمْ {وَنُقْلِبُ تَعَالَى: قَالَ [الأنعام: يَعْمَهُونَ] ۱۱۰}.

«Ва худди аввал-бошда иймон келтирмаганлари каби дил ва кўзларини айлантириб қўюрмиз ва ўз туғёнларида адашиб-улокиб юрган ҳолларида тарк қилурмиз» (Анъом: ۱۱۰).

Боиси, жазо айни амалнинг жинсидан (туридан) бўлади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло уларни ўзлари айтган нарсага буриб қўйди.

Аллоҳ таоло айтади:

[الأعراف: ۳۰]. إِنَّمَا دُونٌ مِّنْ أَوْلِيَاءِ الشَّيَاطِينِ الَّذِينَ اتَّخَذُوا {إِنَّهُمْ تَعَالَى: قَالَ

«Улар Аллоҳни қўйиб, шайтонга дўст тутиниб олганлар» (Аъроф: ۳۰).

۱) Дабдабали ҳаётга шўнғиш ва ҳузур-ҳаловатга ҳаддан ортиқ берилиш ҳам иймондан тўсувчи монелардан. Чунки, у бандани ўз нафси ҳавосига тобеъ ва заарли истак-майлларига бўйин эгувчи қилиб қўяди. Аллоҳ таоло ушбу монени бир неча оятларда зикр қилган.

Аллоҳ таоло айтади:

[الأنبياء: ٤٤]. الْعُمَرُ { عَلَيْهِمْ طَالَ حَتَّىٰ وَءَابَاءُهُمْ هُوُ لَا يُمَتَّعُنَا {بِنَ

«Йўқ, Биз уларни (кофирларни) ва ота-боболарини (дунё матоларидан шундай) фойдалантиридикки, ҳатто

уларга умр-ҳаёт узун-абадий
(кўриниб, бир кун келиб бу ҳаёт
тугашига ишонмай қўйдилар ва
Аллоҳнинг азобини ҳам инкор
қилдилар)» (Анбиё: ٤٤).

Аллоҳ таоло айтади:

[الواقعة: ٤٥]. مُنَرَّفِينَ } ذَلِكَ قَبْلَ كَانُوا { إِنَّمَا

«Дарвоқеъ улар бундан илгари
(яъни ҳаёти дунёда хирсу ҳавасга
муккадан кетган) боёнлар эдилар»
(Воқеа: ٤٥).

Қачонки, саҳих-ҳақ динлар
уларнинг дабдабали ҳаётларини изга
солиб қўядиган ва уларни фойдали
чегараларда тўхтатадиган ҳамда
лаззатларга зарарли даражада
шўнғиб кетишдан тўсиб қўядиган

тартиб-қоидаларни олиб келгач,
буни улар ўз мурод-мақсадларидан
тўсадиган нарса деб кўрдилар.
Ботил хоҳиш-истаклар соҳиби ўз
майл-истакларини ҳар қандай йўл
билин бўлса-да қўллаб-қувватлайди.
Қачонки, дин Аллоҳга бўлган
ибодатни ва неъмат ато этган зотга
шукр бажо келтиришни ҳамда
шаҳватларга муккасидан
кетмасликни вожиб қилгач, улар
ортларига ўгирилиб қочиб қолдилар.

۷) Ёлғон сановчилар
пайғамбарларни ва уларнинг
издошларини ҳақир-паст санашлари,
уларни ноқис деб билишлари ва
масхара қилишлари ҳам иймондан
тўсувчи монелардандир.

Аллоҳ таоло Нуҳ пайғамбарнинг қавми ҳақида айтади:

الشعراء: الْأَرْذُلُونَ وَاتَّبَعُكَ لَكَ {أَنُؤْمِنُ} [١١١].

«Улар (Нуҳга) дедилар: «Сенга пасткаш (ялангоёқ) кимсалар эргашган бўлса, бизлар сенга қандай қилиб иймон келтирамиз?!» (Шуъаро: ۱۱۱).

فَضْلٌ { مِنْ عَلَيْنَا لَكُمْ نَرَى وَمَا الرَّايِ بَادِي أَرَادْنَا هُمُ الَّذِينَ إِلَّا اتَّبَعُكَ نَرَاكَ {وَمَا هُوَ دُنْيَا}: [۲۷].

«Шунда унинг қавми орасидаги кофир бўлган кимсалар: «Бизлар сени худди ўзимизга ўхшаган одам, деб биламиз ва сенга фақат ичимиздаги пасткаш (ялангоёқ) кимсалар ўйламасдан эргашганини кўрмокдамиз. Бизнингча, сизларнинг биздан бирон

ортиқчалик жойингиз йўқ, балки биз сизларни ёлғончи деб ўйламоқдамиз», дедилар» (Худ: ۲۷).

Бу нарса кибрдан келиб чиқди.
Чунки, бир киши кибр қилса,
манмансираса ва ўзидан бошқани
ҳақир-паст санаса, албатта, у
келтирган ҳақни қабул қилишдан
жирканади. Фаразан, агар шу ўзи
рад қилаётган нарса ўзи
улуғлайдиган ва эҳтиром қиласиган
киши тарафидан келганда эди, уни
ҳеч иккиланмасдан қабул қилган
бўлар эди.

۸) Аллоҳ таоло деди:

[يونس: يُؤمِنُونَ { لَا إِلَهُمْ فَسْقُوا الَّذِينَ عَلَى رَبِّكَ كَلَمْثُ حَفَّتْ { ۳۳].

«Шундай қилиб, фосиқлик қилган кимсаларга Роббингизнинг сўзи ҳақ бўлди, улар иймон келтирмайдилар» (Юнус: ۳۳).

Фосиқлик банданинг Аллоҳнинг тоатидан шайтоннинг итоатига чиқишидир. Қалбнинг мана шундай нопок ҳолатда бўлиши илм жиҳатидан ҳам, амал жиҳатидан ҳам ҳақни қабул қилишдан энг катта монедир. Аллоҳ таоло бундай аҳволдаги кимсани покламайди, балки уни ўз золим нафсига топшириб қўяди. Натижада, у қайсарлик ва гумроҳлик билан ботилда юраверади ва барча ҳаракатлари ёмонлик ва фасод бўлаверади. Ботил фосиқликнинг

йўлдошидир, у доим ҳақдан тўсади. Зеро, қалб қачонки Аллоҳга бўйсуниш ва эгилишдан чиқар экан, албатта шайтоннинг йўлига эргашиб кетади:

[الحج:٤]. السَّعِيرُ { عَذَابٌ إِلَىٰ وَيَهْدِيهِ يُخْلِهُ فَإِنَّهُ تَوْلَاهُ مَنْ أَنَّهُ عَلَيْهِ } كُتُب

«У (шайтонга эса) ўзини дўст тутган кимсани албатта йўлдан оздириш ва дўзах азобига йўллаш ёзиб қўйилгандир — ҳукм қилингандир» (Ҳаж: ۴).

^{۱)} Илмлар ва ҳақиқатларни тор доирага чеклаб қўйиш ҳам ҳаққа ва иймонга монелик қилувчи энг катта тўсиқлардандир. Мисол учун, моддиюнчи атеистлар илмларни ҳис билан идрок қилинган

нарсаларгагина чеклаб қўйишган.
Улар нима нарсани ҳислари билан
идрок қилишса, уни бор деб
билишади, нима нарсани идрок
қилиша олмаса, гарчи у ҳислар
билан идрок қилишдан кўра ҳам
каттароқ, аниқроқ ва равшанроқ
далил ва хужжатлар билан исбот
қилинса ҳам, барибир унинг
мавжудлигини рад қилишади. Айни
шу фитна ва шубҳа ортидан жуда
кўп халқлар адашиб кетди. Мана
шундай разил йўл билан улар
Аллоҳнинг мавжудлигини рад
қилишди, пайғамбарларни ва улар
хабар берган ғайбга тааллукли
ишларни, ҳаққу ростлигига кўплаб
далилу ҳужжатлар бор эканига,
ҳатто тўғрилигига шоҳид бўлинган

далиллар бор эканига қарамай, барини инкор қилишди. Бирламчи ҳақиқат ва аниқ маълум бўлган ишки, яратувчининг борлиги ва бирлигига ҳамда яратиш ва бошқаришда ягоналигига бўлган далилу ҳужжатларга қайсиdir ҳақиқатларни исбот қилувчи йўллардан бирортаси тенг келиши ёки яқинлашиши мумкин эмас. Бунга эса самъий (**Эшитилган**), аёний (**кўрилган**), ақлий ва фитрий (**инсон табиатига ўрнатилган**) далиллар бордир. У Ўзининг чор атрофда ҳамда одамларнинг ўз вужудларида бор бўлган, шу билан ҳақ аниқ маълум бўлган ояталоматларини кўрсатиб қўйди. У ҳақдир, Унинг пайғамбарлари

ҳақдир, Унинг жазоси ҳақдир,
Унинг барча хабарлари ҳақдир,
Унинг дини ҳақдир. Ҳақ ортида эса,
залолатдан бошқа ҳеч нарса йўқдир.
Лекин, моддиюнчиларнинг ўринсиз
қайсарликлари ва бемаъни кибрлари
уларни ўзлари учун ғоят манфаатли
бўлган ҳақдан тўсиб қўйди. Онгли
мўмин инсон ўз ақл кўзи билан
уларнинг очиқ гумроҳликда ва
залолат уюмлари ичида ўралашиб
юришганини идрок қила олади.
Ҳидоят неъматини ато этиб қўйган
Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

‘ ·) Моддиюнчиларнинг ва уларга
алданиб, ортларидан эргашиб юрган
кишиларнинг сафсалалари ва
уларнинг, башарият ўзининг рушди-

тўғрилигига ва ақли тўлишишига мана энди, моддийлик ва табиат илмлари кучли ривожланган шу замонга келибгина эришди, бундан илгари ҳали йўлини топиб олмаган ғўрлик ҳолатида эди, деган даъволари ҳам иймондан тўсувчи монелардан биридир. Бу гапда эса ақлу онгини бундай исқирт фикрлар булғаб қўймаган озгина ақли бор ҳар қандай кишига маълум бўлганидек, сурбетлик, андишасизлик, сафсатабозлик ва ҳақиқатларни назар-писанд қиласлик борлиги кўриниб турибди. Агар улар, моддий тараққиёт, саноат ривожи, замонавий ихтиrolар, табиатга доир ишларнинг ривожланиши шу охирги

даврларга келибгина тезлашиб
кетди ва юқори чўққисига чиқди,
деб айтишганда эди, бу гапни ҳамма
тасдиқлаган бўлиши мумкин эди.
Аммо, мана бундай нохолис
таърифлари, ҳаққа қарши журъат
қилишлари ва ҳақиқатнинг юзига
оёқ қўйиб, сахих илмларга, событ
ҳақиқатларга ва гўзал ахлоқларга
бундай сурбетларча ёндошувлари
энг катта ёлғонлардан биридир.
Зотан, соғлом ақллар ва сахих
илмларни уларнинг асарларидан,
далилларидан ва ғояларидан
танилади ва шу билан уларнинг
комил ёки ноқис эканига далил
олинади.

Мана, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи
ва саллам келтирған ва мусулмонлар
у зотдан қабул қилиб олишган
ақида, ахлоқ, дин, дунё, раҳмат ва
ҳикматдаги олийлик ва комилликни
күринг, үшанга амал қилған
даврларида уларни барча диний ва
дунёвий яхшиликтарга ва барча
соҳаларда тузалишларга етказди ва
уларга жамики халқларни
бўйсундириб берди, ўша даврда
мусулмонлар бирор уларга етиб
олиши умуман мумкин бўлмаган
юксак камолот даражаларига
эришдилар.

Энди ўз нафс шаҳватларининг
жиловини бутунлай бўшатиб
юборган ва бунда ҳеч қандай чек-

чегара ўрнатмаган моддиюнчи атеистлар етиб келган аҳволни кўринг, ахлоқсизликнинг накадар паст-тубан жарликларига қулаб кетишиди. Агар уларни бу ҳаётда тутиб турган моддий куч-қудратлари бўлмагандан эди, ахлоқсизликлари уларни аллақачон ҳалок қилган бўлар эди. «(Эй Пайғамбар), сиз ҳаргиз: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни(нг жазоларини) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (кўрқинчли Қиёмат) Кунига қолдирмоқда, холос» (Иброҳим: ٤٢).

Қолаверса, ўша тараққий этган халқларда агар динларнинг

қолдирган таъсири ва диний одоб-
ахлоқларнинг қолдиқлари бирмунча
сакланиб қолган бўлмаганда,
уларнинг моддий
тараққиётларининг ҳеч қандай
қиймати бўлмас эди. Зеро, динни ўз
ҳаётларидан бутунлай суриб
чиқарган халқлар покиза ҳаётдан,
хузурбахш роҳат ва нақд саодатдан
бутунлай маҳрум бўлиб қолдилар.
Ҳаётнинг ўзи бунга катта гувоҳдир.

Араб мушриклари, шунингдек,
рубубият тавҳиди ва жазони
эътироф қилиш каби иймоний асл-
асосларга бир оз иймон ва бир қадар
эътирофлари бўлган халқлар ҳеч
шак-шубҳасиз, ўша моддииончи

халқларга нисбатан тузукроқ ва яхшироқ аҳволдадирлар.

Кейин, аниқ маълум бўлган (**исбот талаб қилмайдиган**) ҳақиқатки, пайғамбарлар (**уларга Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин**) ваҳий ва ҳидоятни мужмалу муфассал ҳолда келтирганлар, ҳамма соҳада зиё, сахих илм ва мутлақ салоҳни олиб келганлар. Соғлом ақллар буни эътироф қилди, ўзларининг унга ўта муҳтоҷ эканларини билди ва пайғамбарлар келтирган нарсаларга бўйсунди. Соғлом ақллар шуни ҳам билдики, агар (**бутун дунё аҳлининг ақли**) аввалидан охиригача йиғилиб келса ҳам, пайғамбарлар келтирган китоблар ва уларда келган фойдали

ҳақиқатлар даражасига ета олмайды ва улар бўлмагандада эди, очик залолат, улкан баҳтсизлик ва давомий ҳалокатда бўлар эди. **Аллоҳ таоло айтади:**

وَيُرْكِيْهُمْ أَيَّاَتِهِ عَلَيْهِمْ يَتَّلُو أَنْفُسِهِمْ مِنْ رَسُوْلًا فِيهِمْ بَعَثَ إِذْ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى اللَّهِ مَنْ {لَقِدْ} عَمَرَانٌ: ۱۶۴]. [آل مُبِينٍ] ضَلَالٌ لَفِي قَبْلٍ مِنْ كَانُوا وَإِنْ وَالْحِكْمَةُ الْكِتَابُ وَيُعَلَّمُهُمْ

«Албатта Аллоҳ мўминларга ўзларидан бўлган (**яъни одам жинсидан бўлган**), уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қиласидиган, (**гуноҳларидан**) поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва ҳикматни ўргатадиган пайғамбарни юбориш билан яхшилик қилди. Зеро улар илгари очик хато — залолатда эдилар» (**Оли Имрон: ۱۶۴**).

Аслида, ақллар пайғамбарлар келтирған нарсалар билангина түлишди, рушду камолотига етди ва түғриликка эришди.

Жуда күп одамларнинг соғлом онг ва саҳих илмсиз равища у билан ботилни зийнатлаб қўйилган ва ҳаққа раддия берилган ялтироқ сўзлар билан алданиб қолишлари шундан бўлди. Бу эса дин илмларини ва унинг олий ахлоқ намуналарини қолоқлик деб, унга қарама-қарши бўлган бошқа илм ва ахлоқларни эса маърифат ва илғорлик деб аталганидан бўлди.

Ҳар бир соғлом ақл соҳибига маълумки, ўз асоси-пойдеворида

диннинг ҳидоятига ва диний
кўрсатмаларга суюнмаган ҳар қандай
илму маърифат ҳозирда ҳам,
келажак учун ҳам ёмонлик ва
заардан бошқа нарса эмасдир.
«Моддиюнчи зиёлилар» деб аталган
тоифа ахлининг ахлоқсизликда
нақадар тубан даражага етганини,
ҳар қандай заарли нарсага
муккасидан кетиб, ҳар қандай
фойдали нарсалардан юз
ўгиришларини кўрган киши энг
тўғри маърифат ва энг соғлом
маданият ақлларни
пайғамбарларнинг ҳидояти ва сахих
илмлари билан, ахлоқларни эса
гўзал ва мақтовли хулқлар ҳамда
мутлақ салоҳ (**тузалиш**)ни ўз ичига
олган манфаатли йўл-йўриқлар

билин, шунингдек саҳих моддий илмлардан фақат яхшилиқ, салоҳ ва нажоҳ йўлида фойдаланиш билан маърифатли ва маданиятли қилиш эканини англаб етади.

Хулоса шуки, Ислом ҳар икки саодатга эришишга ва ҳар икки фазилатни комил қилишга буюради ва ундейди. Ислом дини келтирган Китоб ва Суннатни умумий ва муфассал шаклда англаб, яхшилаб уқсан киши башарият учун салоҳтузалиш фақат Ислом ҳидояти ва кўрсатмаларига қайтиш билангина ҳосил бўлишини, Ислом эътиқод, ахлоқ ва амалларни қандай ислоҳ қилган бўлса, дунё ишларини ҳам шундай ислоҳ қилган эканини,

барчага бирдек манфаат ва яхшилик келтирадиган ишларга йўллаган эканини тушуниб етади.

Аллоҳ Ўзи тўғри йўлга ҳидоят қилсин. Пайғамбаримизга Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин.